

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАНОВ ЗАФАРЖОН ЯШИНОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
СТРАТЕГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Рахманов Зафаржон Яшинович

Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини
такомиллаштириш..... 3

Рахманов Зафаржон Яшинович

Совершенствование стратегии развития деятельности коммерческих
банков..... 25

Rakhmanov Zafarjon Yashinovich

Improving the development strategy of commercial bank
activities..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАНОВ ЗАФАРЖОН ЯШИНОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
СТРАТЕГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Iqt37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Норбой Ғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Исмаилов Алишер Агзамович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

Н.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон банк тизими ва йирик тижорат банклари амалиётидаги муаммолар бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банк фаолиятининг сифат жиҳатдан янги даражага чиқишини таъминловчи, ундаги ички ва ташқи рискларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни баратаф этиш имкониятларини берувчи, шунингдек, мамлакат иқтисодий-ижтимоий тизимини ривожлантириш йўналишларига мос келувчи ва жаҳон молия бозорларида кузатилаётган салбий тенденцияларга қарши таъсирчан ҳамда ҳар томонлама пухта ўйланган банк стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, The Goldman Sachs group, inc. банк холдинги томонидан 2016-2018 йилларга мўлжалланган банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясининг муваффақиятли амалга оширилиши, 2017 йил якунлари бўйича соф фойда миқдорини 1,9 фоизга, капитал рентабеллигини 1,3 фоизга (2017 йилда 4,9 фоиз) ва операцион харажатлар рентабеллигини 1,6 фоизга (2017 йилда 31,5 фоиз) ошириш имконини берган¹. Шу нуқтаи назардан тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тизимини такомиллаштириш масалалари банк секторининг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим шартлардан бирига айланиб бормоқда.

Жаҳон амалиётида тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш стратегиясини шакллантириш, мижозлар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, замонавий IT технологияларга асосланган ҳолда Smart-banking тизимида фаолият юритувчи банк бўлинмаларини ташкил этиш ва тармоғини кенгайтириш, ҳудудий бўлинмалар тармоғини ривожлантириш сиёсати ва уларни бошқариш самарадорлигини ошириш, функционал стратегиялар билан банк департаментлари томонидан шакллантирилган сиёсатларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек, тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш механизмининг такомиллаштириш бўйича илмий муаммоларни ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳолат танланган диссертацион тадқиқот мавзуси доирасида ҳал этилиши режалаштирилган мақсадли йўналишларни белгилаб беради.

Мамлакатимиз банк-молия тизимида амалга оширилаётган жадал ислохотлар тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини янада яхшилаш ва айниқса, банкларнинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ва унинг назорат тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини янада ривожлантиришга қаратилган «илғор хориж тажрибаси ва

¹ <http://www.goldmansachs.com> сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

халқаро стандартлар асосида, молиявий барқарор ва рақобатдош муассаса сифатида фаолият олиб боришини таъминловчи узоқ муддатли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш, банк рисклари ва уларни вужудга келишини барвақт аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этишда банк имкониятларини ошириш, турли сценарийларни қўллаган ҳолда ликвидлик позициясини стресс-тестдан ўтказиш амалиётини янада такомиллаштириш, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш»² каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар Республикамиз тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ равишда ИТД-2 – «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари стратегиясини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўплаб хорижлик олимлар, жумладан: И.Ансофф, П.Роуз, О.И.Лаврушин, В.Ачарйя, С.В.Симонцева, А.М.Люкшинов, М.А.Поморина, Р.Акофф, Г.Минцберги, Е.Г.Шатковская, И.В.Ларионова, З.М.Анисимова, Н.А.Тысячникова, О.Ю.Свиридов, А.Р.Алавердов³ ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-33-б.

³ Ансофф И. Стратегическое управление: Сокр. пер. с англ. /Науч. ред. и авт. предисл. Л.И. Евенко. – М: Экономика, 1989; Поморина М.А. Концепция финансового управления в системе стратегического менеджмента банка: дис...д-ра экон. наук: 08.00.10 - М., 2008; Шатковская Е.Г. Формирование и реализация финансовой политики кредитной организации в условиях согласовательного регулирования. дис...д-ра экон. наук: 08.00.10. Екатеринбург, 2015; Ларионова, И.В. Стабильность банковской системы в условиях переходной экономики: дис...д-ра экон. наук: 08.00.10 - М., 2001; Роуз П. Банковский менеджмент: пер. с англ. со 2 – го изд. – М: Дело ЛТД, 1995; Лаврушин О. Банковский менеджмент и маркетинг: Учебник для вузов. – М.: Финансы и статистика, 2009; Симонцева, С.В. Формирование финансовой политики коммерческого банка: дис...канд. экон. наук:

Банк стратегиясининг айрим жиҳатларига ўзбекистонлик олимлардан Ф.И.Мирзаев, Д.Н.Раҳимова, Н.Қ.Йўлдошев, Б.Б.Парпиев, Р.Р.Тожиев, Ф.Н.Насриддинов, Б.З.Мустафаев, Б.К.Мирзамайдинов, Д.Б.Нафасов⁴ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида эътибор қаратилган.

Шунга қарамай, тижорат банкларида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги муаммолар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Айни пайтда, банк стратегиясини шакллантиришнинг назарий, услубий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб илмий манбаларнинг мавжудлигига қарамасдан мазкур йўналишларда аҳамиятли ҳисобланувчи бир қатор муаммолар ёритилмасдан қолмоқда. Бундай муаммолар жумласига стратегияни ишлаб чиқиш жараёнига тизимли ҳолда ёндашилмаслиги, назарий-услубий тавсияларнинг амалий фаолият билан боғлиқ эмаслиги ҳамда олинган хулосаларнинг аксарият ҳолатларда реал вазиятга мос келмаслиги, тижорат банкларида амалий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш тизимини такомиллаштириш услубиятининг мавжуд эмаслигини киритиш мумкин.

Юқоридагиларга кўра, тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш тизимини такомиллаштириш соҳасидаги долзарб муаммоларнинг етарли даражада ва комплекс ҳолда тадқиқ қилинмаганлиги ҳамда уларнинг ечимини топиш илмий ва амалий аҳамиятга эгаллиги мазкур диссертацион тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда таркибий тузилмасини белгилаб олишда асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқотлари режасининг «Ўзбекистон банк-молия тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истиқболлари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

08.00.10. - Иваново, 2012; Свиридов О.Ю. Стратегия развития российских коммерческих банков в условиях кризиса финансовой глобализации. Автореферат дис...д-ра экон. наук. - Ростов-на-Дону. 2009.; Алавердов А.Р. Стратегический менеджмент в коммерческом банке. - М.: Маркет ДС, 2007 -576 с.; Анисимова З.М. Развитие стратегического банковского менеджмента. дис...канд. экон. наук: 08.00.10. - М., 2014.

⁴ Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда банкларро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати.- Т., 2009.; Д.Н.Раҳимова ва бошқалар. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. - Т.: «Ғафур Ғулом», 2009, 792 бет; Йўлдошев Н.Қ. ва бошқалар. Стратегик менежмент. - Т.: «ТДИУ босмахонаси», 2003 - 102 бет; Тожиев Р.Р. Тижорат банклари ликвидилигини бошқаришнинг инновацион стратегияси («Агробанк» АТБ мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Т., 2011.; Насриддинов Ф.Н. Тижорат банкларида риск-менежмент тизимини такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Т., 2012.; Парпиев Б.Б. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк депозитларига барқарор жалб этиш маркетинг стратегиясини шакллантириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати.- Т, 2010.; Мирзамайдинов Б.К. Банк хизматида маркетинг самарадорлиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Т., 2008.; Мустафаев Б.З. Банк маркетинги - молия бозори шаклланиши ва ривожланиш асослари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Т., 2009.; Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) дисс. автореферати. - Т., 2017.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

банк стратегиясининг иқтисодий моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш;

тижорат банкларида ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг услубий асосларини ўрганиш;

тижорат банклари фаолиятида стратегияни шакллаштириш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини тадқиқ қилиш;

банк стратегиясини фаолиятга жорий қилишнинг амалдаги ҳолати таҳлилини амалга ошириш;

тижорат банклари стратегиясига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлар орқали баҳолаш;

тижорат банклари фаолиятида стратегияни ишлаб чиқиш ва жорий қилишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш;

банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияни ёзиш жараёнида илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, таққослаш, тизимли таҳлил, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

банкларнинг функционал стратегиялари ҳамда сиёсатларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш асосида тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш механизми такомиллаштирилган;

тижорат банклари операцион фаолият самарадорлиги ва рентабеллигини баҳолаш кўрсаткичларини таклиф этиш орқали банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясининг самарадорлигини баҳолаш услубияти такомиллаштирилган;

банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш юзасидан банк бўлимлари ва ходимлари томонидан белгиланган стратегик вазифаларни бажариш даражасини рейтинг баҳолаш услубияти ишлаб чиқилган;

хориж банкларининг илғор тажрибасига таянган ҳолда банкнинг функционал стратегияларини Retail Banking and Wealth Management (RBWM), Commercial Banking (CMB), Institutional Client Services (ICS) ва Investment Management (IM) йўналишлари бўйича ишлаб чиқиш тартиби асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясига бағишланган илмий манбаларни тадқиқ қилиш орқали «банк стратегияси» ва «стратегик режаси» тушунчаларининг иқтисодий моҳияти, ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари аниқланган ҳамда «банк стратегияси» тушунчасининг муаллифлик таърифи шакллантирилган;

банк стратегиясининг таркибий тузилмаси ва асосий элементлари аниқланган, шунингдек, улар бир-бирига бўйсунувчи (иерархик) тизим эканлиги асосланган;

тижорат банклари фаолиятининг жорий ҳолатини тадқиқ қилиш орқали банк стратегиясига таъсир этувчи тенденциялар аниқланган;

«Туронбанк» АТБнинг рискка тортилган активлари ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқот ишида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар орқали, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, йирик хориж банклари ва Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларининг статистик маълумотларидан олинганлиги ҳамда тижорат банклари амалиётига татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот ишини бажариш давомида олинган илмий натижалар, хулоса ва таклифлар банк стратегиясининг назарий асосларини ривожлантириш ва мазмунан бойитишга, унинг услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади ҳамда назарий-услубий билимлар доирасини кенгайтиради.

Ишлаб чиқилган хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан банк стратегиясини шакллантириш ва жорий қилиш тизимини такомиллаштиришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда ҳамда банк бошқаруви томонидан стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, илмий тадқиқот материалларидан олий ўқув юртлари ва малака ошириш курсларида «Банк иши», «Банк менежменти», «Банк рисклари», «Банк стратегияси» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тижорат банклари амалиётига жорий этилган. Хусусан:

банкларнинг функционал стратегиялари ҳамда сиёсатларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш асосида тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифи «Туронбанк» АТБ ва АТ «Халқ банки» амалиётига жорий этилган («Туронбанк» АТБнинг 2017 йил 25 августдаги 17/02-675-сон ва АТ «Халқ банки»нинг 2018 йил 2 февралдаги 14/74-56-сон маълумотномалари). Мазкур илмий натижадан банк амалиётида фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сон Қарорида белгиланган «2018 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда банкларни сифатли трансформациялаш учун узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш» вазифасини талаб доирасида бажарилишида етарли аҳамият касб этади. Бунинг натижасида банк стратегиясини шакллантириш, амалга ошириш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, банк стратегиясини шакллантириш жараёнини соддалаштириш ва банкнинг тегишли департаментлари ходимларининг меҳнат сарфи даражасини пасайтириш имкониятини берди;

тижорат банклари операцион фаолият самарадорлиги ва рентабеллигини баҳолаш кўрсаткичларини таклиф этиш орқали банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясининг самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш бўйича таклифи «Туронбанк» АТБ ва АТ «Халқ банки» амалиётига жорий этилган («Туронбанк» АТБнинг 2017 йил 25 августдаги 17/02-675-сон ва АТ «Халқ банки»нинг 2018 йил 2 февралдаги 14/74-56-сон маълумотномалари). Мазкур кўрсаткичлар тизими операцион хусусиятдаги харажатларнинг самарадорлигини доимий назорат қилиш билан бир қаторда, уларни оптималлаштириш ҳамда операцион даромадларни ошириш юзасидан тегишли қарорларни қабул қилишда етарли аҳамият касб этади. Бунинг натижасида, банк балансларини «кенг қамровли баҳолаш» ахборот-таҳлил дастури алгоритминини ишлаб чиқиш жараёнини соддалаштириб, операцион харажатларни камайтириш ва банк томонидан таклиф қилинаётган юқори технологияларга асосланган хизматлар турини кўпайтиришга ёрдам берган;

банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш юзасидан банк бўлимлари ва ходимлари томонидан белгиланган стратегик вазифаларни бажариш даражасини рейтинг баҳолаш услубияти «Туронбанк» АТБ ва АТ «Халқ банки» лари амалиётига жорий этилган («Туронбанк» АТБнинг 2017 йил 25 августдаги 17/02-675-сон ва АТ «Халқ банки»нинг 2018 йил 2 февралдаги 14/74-56-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф банкнинг алоҳида бўлинмалари ва ходимлари фаолиятининг стратегик мақсадларини амалга оширишга йўналтириш ҳамда бунга мослаштирилган рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқишда маълум аҳамият касб этиб, уни татбиқ этиш натижасида банк бўлимлари ва ходимлари меҳнат унумдорлигини 10 фоизга ошириш имконини берган;

хориж банкларининг илғор тажрибасига таянган ҳолда банкнинг функционал стратегияларини Retail Banking and Wealth Management (RBWM), Commercial Banking (CMB), Institutional Client Services (ICS) ва Investment Management (IM) йўналишлари бўйича ишлаб чиқиш илмий-амалий таклиф «Туронбанк» АТБ ва АТ «Халқ банки» амалиётига жорий этилган («Туронбанк» АТБнинг 2017 йил 25 августдаги 17/02-675-сон ва АТ «Халқ банки»нинг 2018 йил 2 февралдаги 14/74-56-сон маълумотномалари). Мазкур илмий-амалий таклифни тижорат банклари фаолиятига жорий этиш натижасида функционал стратегияларни шакллантириш жараёнини илғор

хориж амалиёти даражасига етказиш билан бир қаторда, банк фаолиятининг алоҳида йўналишлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлашга, шунингдек, якуний молиявий натижага таъсир этувчи омилларни мунтазам равишда баҳолашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур илмий тадқиқот ишининг натижалари 15 та, жумладан, 12 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф қилинган журналларда 8 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 147 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Банк стратегиясини шакллантиришнинг назарий, услубий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида банк стратегиясининг иқтисодий моҳияти, унга нисбатан шаклланган илмий ёрдашувларнинг ўзига хос хусусиятлари, афзаллиги ва камчиликлари очиб берилган, «стратегия» ва «стратегик режа» иқтисодий категорияларининг илмий-назарий талқини баён қилинган, шунингдек, банк стратегиясини шакллантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот жараёнида хорижлик ва мамлакатимиз етакчи олимлари ҳамда банк амалиёти вакиллариининг фикр-мулоҳазаларини танқидий ўрганиш асосида «банк стратегияси» тушунчасига мултиплик таърифи берилган: «банк стратегияси – банкнинг ички ва ташқи муҳитини мақсадга мувофиқ ҳолда ўзгартириш орқали банк миссияси ва энг муҳим мақсадларига эришиш йўллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган фаолият натижаси» сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келинди.

Шунингдек, кўплаб илмий манбаларда банк стратегияси ва стратегик режаси тушунчаларини бир маъноли иқтисодий категория сифатида талқин қилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Муаллифнинг фикрича, ушбу ҳолат мавжуд вазиятни тадқиқ этиш жараёнида бир қатор тушунмовчиликлар ва хатоликларни келтириб чиқариши мумкин.

Мазкур бобда банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясининг таркибий тузилиши ва элементларининг иқтисодий моҳияти очиб берилган, шунингдек, банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнининг муайян ва изчил мазмунга эга кўриниши шакллантирилган.

Эътироф этиш зарурки, банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида функционал стратегиялар ва сиёсатлар ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур боғлиқлик функционал стратегияларда банк фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича банк мақсади ва стратегияси ҳамда уларни амалга ошириш бўйича белгиланган вазифаларни ифодалаш, функционал сиёсатларда эса фаолиятни ташкил этиш процедурасини акс эттириш орқали таъминланиши лозим.

Муаллиф фикрига кўра, банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясининг таркибий тузилмаси ва энг муҳим элементларини қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин:



1-расм. Банк стратегиясининг таркибий элементлари тузилмаси⁵

1-расмдан кўринадикки, назарий-услубий жиҳатдан банк стратегиясини шакллантириш тизимининг таркибий элементларини ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи босқичлардан иборат бўлган тўхтовсиз жараён сифатида таснифлаш мумкин.

Диссертациянинг «**Банк стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг жорий ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида тижорат банклари томонидан стратегияни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашнинг жорий ҳолатини тадқиқ қилиш орқали банк стратегиясига таъсир этувчи тенденциялар аниқланган, шунингдек, банк фаолияти самарадорлигини белгилаб берувчи иқтисодий кўрсаткичларнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган ва баҳоланган.

«Туронбанк» АТБнинг 2012-2016 йилларда шаклланган баланс кўрсаткичлари, шунингдек, даромадлар, харажатлар миқдори ва таркиби ўтган йиллардаги кўрсаткичлар билан таққослаш орқали фойда ҳажмига

⁵ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

таъсир этган банк баланси моддалари ўрганилган ҳамда олинган натижалар асосида банк стратегиясига таъсир этувчи тенденциялар аниқланган.

1-жадвал

«Туронбанк» АТБнинг асосий баланс кўрсаткичлари динамикаси, (млн. сўмда)⁶

Моддалар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Банк баланси	655 327	637 381	713 220	709 136	808 186
1. Соф (нетто) кредитлар	345 240	416 498	433 814	429 622	462 278
Банк балансида кредитларнинг салмоғи, фоизда	52,68	65,34	60,82	60,58	57,19
2. Жами депозитлар	433 451	452 241	483 284	486 753	479 868
Банк балансида депозитнинг салмоғи, фоизда	66,14	70,95	67,76	68,64	59,37
3. Жами хусусий капитал	47 748	65 859	89 163	91 876	119 230
Банк балансида капиталнинг салмоғи, фоизда	7,28	10,33	12,51	12,96	14,75
4. Қарз маблағлари	113 623	51 870	46 458	35 711	37 965
Банк балансида қарзларнинг салмоғи, фоизда	17,33	8,14	6,51	4,89	4,69

2012-2016 йиллар давомида «Туронбанк» АТБ баланси жиддий ўзгарувчанлик тенденциясини намоён қилган. Хусусан, 2013 йил якунларига кўра, банк баланси 637 381 млн. сўмни ташкил қилиб, 2012 йилга нисбатан 17 946 млн. сўмга ёки 2,7 фоизга камайган. 2014 йилга келиб банк баланси 713 220 млн. сўмни ташкил этган ва 2012 йилга нисбатан 57 893 млн. сўмга, 2013 йилга нисбатан 75 839 млн. сўмга кўпайган. 2015 йил якунларига кўра, банк баланси камайиш хусусиятига эга бўлиб, 2014 йилга нисбатан 4 084 млн. сўмга ёки 0,5 фоизга пасайган. 2016 йилда банк баланси тарихий максимумни намоён қилиб, 808 186 млн. сўмни ташкил қилган (1-жадвал).

Таҳлил натижаларига кўра қуйидаги асосий тенденцияларни қайд қилишимиз мумкин:

банк активлари таркибида кредит портфели салмоғининг нисбий пасайиб бориши;

банк томонидан мижозлар маблағларини депозит ҳисобварақларига жалб этиш борасидаги фаолият самарадорлигининг пасайиши;

банк ресурс базасида ташқи манбалардан, жумладан, хорижий молия-кредит ташкилотларининг кредит линиялари маблағларини жалб этиш йўналишидаги камчиликлар.

Шуни эътироф қилиш зарурки, давлатнинг «Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси» маблағлари ҳисобидан «Туронбанк» АТБнинг рекапиталлашуви натижасида жами активлар таркибида хусусий капитал салмоғи талаб доирасида бўлиши таъминлаб берилган.

⁶ «Туронбанк» АТБнинг молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланди.

**«Хамкорбанк» АТБнинг асосий баланс кўрсаткичлари динамикаси,
(млн. сўмда)⁷**

Моддалар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Банк баланси	723 349	1 096 439	1 738 518	2 966 964	3 995 970
1. Соф (нетто) кредитлар	403 549	640 435	1 154 427	1 636 207	2 405 421
<i>Банк балансида кредитларнинг салмоғи (%)</i>	55,78	58,41	66,41	55,14	60,19
2. Жами депозитлар	481 744	749 088	1 176 439	2 031 621	2 872 779
<i>Банк балансида депозитнинг салмоғи (%)</i>	66,59	68,32	67,66	68,47	71,89
3. Жами хусусий капитал	101 310	141 334	209 549	301 462	408 264
<i>Банк балансида капиталнинг салмоғи (%)</i>	14,01	12,89	12,05	10,16	10,21
4. Қарз маблағлари	60 407	133 469	282 866	466 407	609 882
<i>Банк балансида қарзларнинг салмоғи (%)</i>	8,35	12,17	16,27	15,72	15,26

«Хамкорбанк» АТБ баланси 2012-2016 йиллар давомида барқарор ўсиш тенденциясини намоён қилган. Банкнинг баланси 2012 йил якунида 723 349 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 3 995 970 млн. сўмга етган ва беш йил давомида 3 272 621 млрд. сўмга ёки 5,52 баробарга ошган. Шу билан бир қаторда, мазкур даврда банк балансида миқдорларга ажратилган кредитлар ҳажми ва салмоғи кўпайиб борган. Хусусан, 2012 йил якунида миқдорларга ажратилган кредитлар қолдиғи жами балансининг 55,78 фоизини ташкил қилган бўлса, 2016 йил якунида мазкур кўрсаткич 60,19 фоизга тенг бўлган ёки 4,41 фоиз пунктига ошган. Шу даврда турли манбалардан жалб этилган қарз маблағлари 2012 йилда 60 407 млн. сўмдан 2016 йил якунида эса 609 882 млн. сўмгача кўпайган (2-жадвал).

«Хамкорбанк» АТБ баланси кўрсаткичлари таҳлили асосида бир қатор тенденцияларни қайд қилиш мумкин:

пул бозоридан маблағларни жалб этиш йўналишидаги фаолияти банк ҳамда миқдорларининг ресурсларга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади;

банк балансининг ўсиб бориши, биринчи навбатда, миқдорларнинг депозитлар ҳажмининг ошиб бориши билан боғлиқ. Мазкур депозитларнинг асосий қисми (2016 йилда 45,48 фоиз) талаб қилиб олгунча депозитлар ҳиссасига тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, кредит портфели қолдиғи ва депозитлар ўртасидаги нисбатнинг юқори даражада бўлиши (2016 йилда 83,73 фоиз) молиявий рискларни кучайтирувчи омил сифатида баҳоланиши мумкин.

«Туронбанк» АТБ балансида кузатилаётган тенденциялар банкнинг даромадлари ва харажатлари тузилмасида ҳам ўз аксини топган. Хусусан,

⁷ «Хамкорбанк» АТБнинг молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланди.

активлар таркибида фоизли даромадларнинг асосий қисмини таъминлаб берувчи кредит портфели салмоғининг пасайиши ҳисобига 2016 йилда кредит ва лизинг операцияларидан 50 941 млн. сўмлик даромад олинган. Шу пайтнинг ўзида банк томонидан олинган хизматлар учун комиссия ҳажми 68 698 млн. сўмни ташкил этган. Шунингдек, кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган эҳтимолий зарарларга қарши захиралар ҳажми ошиб бориш тенденциясида. Хусусан, ушбу захиралар ҳажми 2012 йилда 4 575 млн.сўмни ёки кредит портфелига нисбатан 1,32 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 12 979 млн. сўмни ёки кредит портфелига нисбатан 2,81 фоизга етган (3-жадвал).

3-жадвал

«Туронбанк» АТБнинг молиявий натижаларини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар динамикаси, (млн. сўмда)⁸

Моддалар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Жами фоизли даромадлар	46 031	58 958	55 774	60 258	65 078
жумладан:					
кредит ва лизинг операцияларидан	33 665	45 499	42 694	46 735	50 941
Жами фоизли харажатлар	32 649	30 309	24 779	26 948	29 292
жумладан:					
депозитлар бўйича фоизли харажат	20 835	19 437	16 001	17 783	18 763
карзлар бўйича фоизли харажатлар	11 814	10 871	8 778	9 182	8 967
Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган эҳтимолий зарарларга қарши захирани баҳолаш	4 575	9 559	11 292	12 130	12 979
Захирани баҳолашни чегириб ташлангандан сўнг қолган соф фоизли даромадлар	8 807	19 090	19 702	21 182	16 393
Жами фоизсиз даромадлар (зарар)	46 421	78 959	69 109	76 449	84 781
жумладан:					
хизматлар учун олинган комиссия	39 851	58 083	55 828	61 946	68 698
Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	10 199	26 332	19 898	19 898	21 012
Соф даромад (зарар)	8 019	21 503	15 284	16 146	17 050
Йил якуни бўйича тугалланган фаолиятдан олинган зарар	-	-	-	-	-
Соф фойда	8 019	21 503	15 284	16 146	17 050

«Хамкорбанк» АТБ балансининг таркибий тузилмаси даромадлар ва харажатлар тузилмасида ўз ифодасини топган. Банк кредит портфели ҳажмининг тўхтовсиз ошиб бориши даромадлар таркибида фоизли даромадлар салмоғининг кўпайишини таъминлаб беради. Банкнинг жами фоизли даромадлари 2012 йилда 81 818 млн. сўмни, 2013 йилда 119 090 млн. сўмни, 2014 йилда 190 309 млн. сўмни, 2015 йилда 280 224 млн. сўмни, 2016 йилда 394 779 млн. сўмни ташкил қилган. Ўз навбатида, кредит ва лизинг операцияларидан олинган фоизли даромадлар 2012 йилда 80 689 млн. сўмни (фоизли даромадларнинг 98,62 фоизи), 2016 йилда 388 863 млн. сўмни

⁸ «Туронбанк» АТБнинг молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланди.

(98,51 фоиз) ташкил қилган. Жами фоизли даромадлар 2012-2016 йиллар давомида 312 961 млн. сўмга ёки 4,83 баробарга кўпайган. Мазкур даврда фоизсиз даромадлар ҳажми 59 157 млн. сўмга ёки 2,18 баробарга ошган. Фоизсиз даромадлар таркибида кўрсатилган банк хизматлари учун комиссия кўринишидаги даромадлар асосий ўринни эгаллаган (4-жадвал).

4-жадвал


«Ҳамкорбанк» АТБнинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси, (млн. сўмда)⁹

Моддалар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Жами фоизли даромадлар	81 818	119 090	190 309	280 224	394 779
жумладан:					
кредит ва лизинг операцияларидан	80 689	117 205	186 595	277 186	388 863
Жами фоизли харажатлар	32 201	44 401	65 893	89 187	132 378
жумладан:					
депозитлар бўйича фоизли харажат	24 311	32 495	50 968	65 030	97 740
қарзлар бўйича фоизли харажат	4 466	6 084	3 476	4 132	25 509
Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган эҳтимолий зарарларга қарши заҳирани баҳолаш	2 118	932	4 684	10 592	16 716
Заҳирани баҳолашни чегириб ташлангандан сўнг қолган соф фоизли даромад	47 500	73 757	119 731	180 444	245 684
Жами фоизсиз даромадлар (зарар)	49 917	67 971	80 167	110 364	109 074
жумладан:					
хизматлар учун олинган комиссия	48 261	63 886	75 477	86 034	86 096
Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	27 855	46 949	60 029	113 818	137 116
Соф даромад (зарар)	24 012	39 981	47 589	89 850	106 715
Йил якуни бўйича тугалланган фаолиятдан олинган зарар	-	-	-	-	-
Соф фойда	24 012	39 981	47 589	89 850	106 715

Бундан ташқари, қайд қилиш зарурки, «Туронбанк» АТБ томонидан банклараро кредит бозори ҳамда бошқа манбалардан жалб қилинаётган қарз маблағлари миқдори доимий пасайиб бормокда. Хусусан, ташқи манбалардан жалб қилинган қарз маблағлари 2012 йилда 113 623 млн. сўмни, 2013 йилда 51 870 млн. сўмни, 2014 йилда 46 458 млн. сўмни, 2015 йилда 35 711 млн. сўмни ва 2016 йилда 37 965 млн. сўмни ташкил этган. Ташқи манбалардан жалб қилинган қарз маблағлари ҳажмининг пасайиб бориши Республика банклараро кредит бозоридан жалб қилинган ресурслар бўйича фоиз тўловлари ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари даражасининг юқорилиги, шунингдек, халқаро рейтинг агентликлари томонидан «Туронбанк» АТБ рейтингининг пасайтирилиши (2016 йил якунларига кўра Standard & Poor's рейтингда В-/С) ҳисобига юз берган. 2012 йилда жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоиз тўловлари ўртача 10,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 23,6 фоизни ташкил қилган. Бундай ҳолат банк фаолиятининг

⁹ «Ҳамкорбанк» АТБнинг молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланди.

даромадлилиқ даражасига салбий таъсир ўтказиши билан бир қаторда, кредит портфели таркибий тузилмасининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Диаграммада келтирилган маълумотлар банк томонидан жалб этилган депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари сезиларли ўзгаришларни намоён қилмаганидан далолат беради (2-расм).



2-расм. «Туронбанк» АТБнинг депозитлар ва қарз маблағлари бўйича ўртача фоиз ставкалари динамикаси¹⁰

«Туронбанк» АТБ фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича стратегик мақсади ва вазифалари ифодаланиши лозим бўлган функционал стратегиялар ишлаб чиқилмаган. Фикримизча, функционал стратегияларнинг аниқ ифодаланиши банк сиёсатларининг таркиби ва шакллантириш тизимини ишлаб чиқишда муҳим ўрин эгаллайди. Аксарият тижорат банкларида аниқ шаклга келтирилган ва расман қабул қилинган функционал стратегиялар тизимининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда функционал стратегияларнинг таркибий тузилмасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тижорат банклари фаолиятида функционал стратегияларнинг аниқ ифодаланиши функционал сиёсатларнинг таркибини аниқлаш ва ишлаб чиқиш жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Эътироф этиш зарурки, тижорат банклари томонидан функционал стратегияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги натижасида банк сиёсатлари фаолиятнинг барча йўналишларини қамраб олиш имкониятига эга эмас.

Диссертациянинг «**Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобида йирик хориж банкларида стратегияни шакллантириш ва амалиётга жорий қилишнинг амалдаги ҳолати тадқиқ қилинган, шунингдек, тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш

¹⁰ «Туронбанк» АТБнинг молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланди.

билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Банк стратегиясини ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари хориж банклари маълумотлари асосида тадқиқ қилинди. Хусусан, HSBC Holdings plc. банкида ривожлантириш стратегияси алоҳида бизнес йўналишлари бўйича ишлаб чиқилиши аниқланган (5-жадвал).

5-жадвал

HSBC Holdings plc. стратегиясининг алоҳида кўрсаткичлари¹¹

Стратегик йўналишлар	2017 ва кейинги йилларда амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш жараёни	Индикаторларни амалга ошириш бўйича назорат кўрсаткичлари
Рискга тортилган активлар «RWA» ҳажмини деярли 290 млрд. АҚШ долларига камайтириш	GB&M йўналишида RWA (<1/3) бўйича мақсадли рентабеллик даражасига эришиш	GB&M йўналишида RWA кўрсаткичини 300,4 млрд. АҚШ долларига етказиш (жами активларида 37 % дан ошмаслиги лозим)	Менежмент фаолияти натижасида базавий кўрсаткичга (2015-2016) нисбатан 97 фоизга етказиш
Операцион харажатлар ҳажмини 4,5-5,0 млрд. доллар оралиғида камайтириш	2017 йилда 2014 йилги натижалар даражасини таъминлаш	RBWM йўналишини оптималлаштириш	АҚШ ҳудудидан олинадиган соф фойда 2015 йилга нисбатан 22 фоизга камайтирилади (0,4 млрд. АҚШ dollari)
Халқаро операциялар ҳажмининг ўсиш суръатларини Буюк Британия ЯИМ ўсиш суръатларидан юқори бўлишини таъминлаш	Халқаро операциялар ҳажмининг ўсиш суръатларини ЯИМ ўсиш суръатларидан юқори бўлишини таъминлаш	АҚШ да кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўсиши ҳисобига 2015 йилга нисбатан фойдани 6 фоизга ошириш	Банк операцияларидан олинган даромадни 14,7 млрд. АҚШ dollari (2015 йилга нисбатан ўсиш 2 фоиз) га етказиш

Етакчи хориж банкларида фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш амалиётига кўра, алоҳида бизнес йўналишлари бўйича стратегия шакллантирилади ва уларнинг самарадорлиги фойда даражасини ошириш ҳамда асосий рақобатчиларга нисбатан яхшироқ позицияни эгаллаш орқали аниқланади.

Банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари бир тизимга келтирилган. Хусусан, халқаро банк амалиётида қўлланилаётган операцион харажатлар рентабеллиги ва самарадорлиги кўрсаткичларини мамлакатимиз банклари фаолиятига жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилган.

¹¹ www.hsbc.com расмий сайт маълумотлари асосида тайёрланди.

Мазкур кўрсаткичлар динамикаси банк томонидан амалга оширилган операцион харажатларни белгиланган стратегик мақсадларга эришишни таъминланишда қандай ўрин тутишини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Кўрсаткичнинг ўсиб бориши банк томонидан фаолиятни ташкил этиш учун сарфланаётган харажатларнинг самарасизлигини кўрсатган ҳолда банк раҳбарияти томонидан операцион харажатлар ҳажмини камайтириш йўналишида тегишли қарорлар қабул қилишни тақозо этади.

6-жадвал

Тижорат банклари фаолиятининг операцион самарадорлиги кўрсаткичлари динамикаси, (млн. сўм)¹²

Моддалар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
«Туронбанк» АТБ					
Банк жами активлари	655 327	637 381	713 220	709 136	808 186
Операцион даромадлар	46 761	82 918	93 677	90 310	92 566
Операцион харажатлар	36 085	55 031	66 321	68 786	71 488
Операцион харажатлар рентабеллиги, фоизда	77,71	66,37	70,79	77,16	77,23
Операцион харажатлар самарадорлиги, фоизда	5,51	8,64	9,29	9,69	8,84
«Ҳамкорбанк» АТБ					
Банк жами активлари	723 349	1 096 439	1 738 518	2 966 964	3 995 970
Операцион даромадлар	81 818	119 090	190 309	280 224	394 779
Операцион харажатлар	32 201	44 401	65 893	89 187	132 378
Операцион харажатлар рентабеллиги, фоизда	39,35	37,28	34,62	31,82	33,53
Операцион харажатлар самарадорлиги, фоизда	4,45	4,04	3,79	3,01	3,31

